

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Узоқ Шарқ ва Жанубий Осиё тиллари факультети
Хитой филологияси кафедраси

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК: 809.51-08

ББК: 81.2-5(5)

И-73

Иргашева Зилола

Ххр Матбуот Матнларининг Стилистик Хусусиятлари

**МАГИСТР АКАДЕМИК ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН ЁЗИЛГАН
ДИССЕРТАЦИЯСИ**

5A2201102 Лингвистика (хитой тили)

Илмий раҳбар: ф.ф.н.С.А.Носирова

ТОШКЕНТ – 2011

Магистрлик диссертацияси химоя қилишига рухсат берилди:

Магистратура бўлими бошлиғи:

ф.ф.н., доц. А. Ҳабибуллаев

Мундарижа

Кириш.....	4
I боб. ХХР матбуот тилида кенг қўлланиладиган қолипли қурилмаларнинг стилистик хусусиятлари.....	10
1§ Замонавий хитой тилида қолипли қурилмаларнинг семантик ва грамматик хусусиятлари.....	10
1.1. Умумлаштирувчи сўзли қурилмалар.....	11
1.2. Қолипли қурилмаларнинг грамматик хусусиятлари.....	23
1.3. Матбуот штамплари.....	26
2§ Венъян – қадимги хитой тилининг қолипли конструкциялари.....	31
2.1. Сўз бирикмалари ва чэньюлар.....	31
2.2. Матбуот матнлардаги вэньян қурилмалар.....	32
2.3. Замонавий матбуот матнларда қадимги хитой тилининг ёрдамчи сўзлари.....	35
II боб. Матбуот матнларида морфемик контракциянинг ўрни ва аҳамияти.....	44
1§. Морфемик контракциянинг “сиқиш 缩合 suo he” тури.....	44
2§. Морфемик контракциянинг “тушириб қолдириш 节略 jie lue” тури.....	48
3§. Морфемик контракциянинг “қисқартириш ва алмаштириш 简代 jian dai” тури.....	49
4§. Морфемик контракциянинг “умумлашув 统括 tong kuo” тури.....	50
III боб. Матбуот матнларида тиниш белгилар ишлатилишининг ўзига хос хусусиятлари.....	53
Хулоса.....	59
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	61

Кириш

Матбуот матнларда учрайдиган қолипли бирикмалар, морфемик контракция усулида ясалган сўз ва сўз бирикмаларини таржима қилишда хитойликларнинг менталитетини чуқур таҳлил қила олиш ниҳоятда муҳим. Шу сабабли ҳам матбуот матнларини таржима қилишга оид материалларни ўз ичига қамраб олган ўқув қўлланма, дарсликларини яратиш долзарб масалалардан биридир. Ушбу мақсадга эришиш учун талабаларни битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияси доирасида шу каби мавзуларни чуқур таҳлил қилиш ўринли, деб ҳисоблаймиз. Бир мавзунини кенгайтириб ёритиб бериш таълимда узвийлик ва узлуксизлик масалаларини ечимига катта ижобий таъсир кўрсатишда, етук мутахассис шакллантиришда ёрдам беради.

Магистрлик диссертациясининг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Хитой Халқ Республикаси билан 1992 йилнинг 2 январидан бугунги кунгача ҳамкорлик муносабатлари самарали ривожланиб келмоқда. Ушбу дўстона муносабатлар тўғрисида савдо ва иқтисодий соҳаларда, таълим соҳасида бир неча битимлар имзоланди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида хитой тилини ўрганишга қизиқиш борган сари тобора ортиб бормоқда. Хитой тилини ўргатиш жараёнида талабалар нафақат хитой тилини, балки Хитой тарихи ва маданиятини ҳам ўраганишади. Бундан ташқари, талабалар хитой тилидаги публицистик матнларни қизиқиб ўқишади. Аммо талабалар шу каби маълумотларни таржима қилишда муаммоларга дуч келишадилар. Талабаларнинг таржима борасида муаммоларга дуч келишининг асосий сабаблари бири бу - хитой тилидаги публицистик матнларнинг, хитой адабий ҳамда оғзаки тилидан фарқ қилишидир.

Матбуот кенг маънода ижтимоий-сиёсий ҳаёт масалаларини ёритадиган барча турдаги асарларни ўз ичига олади. Матбуот стилистикаси ўзбек адабий тилининг нутқ тизимида, асосан, XIX асрнинг бошларида пайдо бўла бошлади. Чунки бу даврга келиб, яъни 1883 йилнинг бошларидан бошлаб ўзбек тилида тўнғич газета- “Туркистон вилоятининг газети” чиқа бошлади. Хитойда илк рўзнома милодимизнинг 745 йилда чоп этилган. У 天 宝 四年 *tian bao si nian* деб номланган.

Матбуот ўзининг ёзма ҳамда оғзаки кўринишларига эга. Ҳаётнинг муҳим ижтимоий- сиёсий масалаларига бағишланган матбуот бош мақолалар, фельетон ва памфлетлар, мурожаатномалар, чақириқлар, декларациялар матбуот тилининг ёзма туридаги асарлардир. Матбуот тилини оғзаки турига эса нотиклик киради.

Матбуот тили китобий-ёзма нутқнинг синтактик норма- қоидаларига асосланади. Баённинг кенг ва муфассал бўлиши матбуот тили учун хос хусусиятлардан биридир. Матбуот тилида кўпинча параллелизм, анафора (гапларнинг бошида оҳангдош сўз, иборанинг такрорланиб келиши), эпифора (гап охирида сўз ёки ибора такрорланиши) каби интонацион синтактик воситалар ишлатилади. Матбуотда, булардан ташқари, антитеза ва нутқда маънони кучайтиришга хизмат қилувчи риторик сўроқ, риторик мурожаат сингари воситалар ҳам учрайди.

Магистрлик диссертациясининг объекти. Ишнинг объекти сифатида хитой матбуот тилидаги публицистик матнлар олинди.

Магистрлик диссертациясининг предмети. Хитой тилидаги публицистик матнларининг стилистик хусусиятлари.

Магистрлик диссертациясининг мақсади. Тадқиқот ишда кўзланган асосий мақсад, хитой тилидаги матбуот матнларнинг стилистик хусусиятини

таҳлил қилиш орқали таржима усуллари ўрганиш, келажакда ўқув қўлланма, дарслик яратишда хизмат қилувчи маълумотларни тўплаш.

Магистрлик диссертациясидан кўзлаган мақсад қуйидаги вазифалар ечилиши тақозо этади.

1. Хитой тилидаги матбуот матнларида грамматик қурилмалар қўлланилишини таҳлил қилиш.

2. Хитой тилидаги матбуот матнларидаги вэньян элементларини аниқлаш ва уларни ҳозирги замон хитой тилида қўлланиш усуллари таҳлил қилиш.

3. Хитой тилидаги матбуот матнларида морфемик контракциянинг ўрни ва аҳамиятини ўрганиш.

4. Хитой тилидаги матбуот матнларида тиниш белгиларнинг қўлланилишини таҳлил қилиш.

Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги. Мазкур ишнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

1. Хитой тилидаги матбуот матнларининг умумий стилистик хусусиятлари таҳлил қилинди, қолип бирикмаларнинг қўлланилиши, таржима борасидаги ўзига хос томонлари таҳлил этилди;

2. Матбуот матнларидаги кенг қўлланиладиган вэньян қурилмаларнинг маънолари, стилистик жиҳатлари ўрганилди;

3. Мазкур мавзу юзасидан илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

4. Биринчи мартаба матбуот матнлари мисолида морфемик контракциянинг қўлланилиши кўриб чиқилди.

Магистрлик диссертациясининг тадқиқот методлари. Мазкур тадқиқот ишни олдига қўйилган вазифаларни бажариш учун тўпланган маълумотлар ҳозирги замон тилшуносликда кенг қўлланилаётган таҳлилий,

таржима, қолипга солиш, тарихий – таснифий методлари ёрдамида таҳлил этилди.

Магистрлик диссертациясининг тадқиқот манбалари. Ушбу тадқиқот жараёнида асосан хитой тилшунос олимларининг: [王德库](#) “当代政论文体语言的修辞特色探析” Wang De Ku “Dang dai zheng lun ti yu yan de xiu ci te xing tan xi”; 余东 “论汉语政论文的文采及其英译” Yu Chen “Lun han yu zheng wen de wen cai ji qi ying ze”; 陵源蒸煮 “现代汉语缩略语” Ling Yuan Zheng “Xian dai han yu suo lue yu”, шунингдек бир нечта даврий нашрлардан, газета ва журналлар материалларидан кенг фойдаланилди. Бундан ташқари рус хитойшунос олимларининг: Хаматова А.А. «Словообразования современного китайского языка», Никитина Т.Н. «Грамматика китайского публицистического текста», В.А.Курдюмовнинг “Курс китайского языка – теоретическая грамматика.”, Щукин А.Н. “Теория и практика перевода текстов на китайском языке.”, Щукин А.Н. “Современная китайская аббревиатура.”, Семенов А.Л. “Лексика современного китайского языка” ва яна бир қатор илмий адабиётлардан фойдаланилди.

Магистрлик диссертациясининг тузилиши ва ҳажми. Ушбу диссертациянинг ҳажми _ 70 _ саҳифа бўлиб, у кириш қисми, асосий қисм уч бобдан иборат, хулоса, фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Мазкур диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асослаб берилган, ишнинг объекти ва предмети, ишнинг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги, ишнинг тадқиқот методлари очиб берилган.

Биринчи боб замонавий хитой тилида қолипчи курилмаларнинг семантик хусусиятларига бағишланган. Ушбу боб “Замонавий хитой тилида қолипчи курилмаларнинг семантик хусусиятлари” ва “Веньян-қадимги хитой

тилининг матбуот тилидаги ўрни” каби икки параграфдан иборат бўлиб, ҳар иккала параграф ўз навбатда уч қисмга бўлинган. “Замонавий хитой тилида қолипли қурилмаларнинг семантик хусусиятлари” параграфи: “Умумлаштирувчи сўзли қурилмалар”, “Тўлдирувчи вазифасидаги “бажармоқ”, “амалга оширмақ” маъносига эга ярим ёрдамчи феъл ва тўлиқ феълдан ясалган отли қурилмалар”, “有 you, 得到 de dao, 取得 qu de “қўлга киритмоқ” ярим ёрдамчи ва тўлиқ феълдан ясалган отли қурилма”, “Гапнинг актуал бўлишининг ифодалаш услублари”; “Қолипли қурилмаларнинг грамматик хусусиятлари”, “Пассив қурилма”, “Иккита инкор қўшимчаси иштирок этган қурилма”, “就 jiu” қўшимчаси, “如何 ru he” ва “何在 he zai” сўз бирикмалари; “Матбуот штамплари” каби қисмлардан иборат. “Веньян-қадимги хитой тилининг матбуот тилидаги ўрни” параграфи эса ўз навбатида қуйидаги қисмлардан иборат: “Сўз бирикмалар ва чэньюлар”, “Сиёсий шиорлар”; “Матбуот матнлардагивэньян қурилмалари”, “以 yi . . . 为 wei” қурилмаси; “Замонавий матбуот матнларда қадимги хитой тилининг ёрдамчи сўзлари”.

Иккинчи бобда хитой тилидаги матбуот матнларида морфемик контракциянинг қўлланилиши ҳақида гап юритилади. Ушбу боб тўртта параграфдан иборат: “缩合 suo he- сиқиш”, “节略 jie lue- тушириб қолдириш”, “简代 jian dai- қисқартириш ва алмаштириш”, “统括 tong kuо- умумлаштирув”.

Учинчи боб матбуот матнларида тиниш белгилар ишлатилишининг ўзига хос хусусиятлари мавзусига доир. У ҳам ўз навбатида бир нечта қисмлардан ташкил топган: “Оддий гапларда эга ва кесим орасига вергулнинг қўйилиши”, “Вергул ёрдамида модал феълни асосий феъл-кесимдан ажратиш”, “Бир турдаги элементлар мавжуд бўлган гапларда вергулнинг ишлатилиши”,

“Кесим ва боғловчи ўртасидаги вергул”, “Боғловчидан сўнг ишлатиладиган вергул”, “Боғловчидан сўнг икки нуқтанинг ишлатилиши”. Ушбу боғб материаллари мавзуни стилистик жиҳатдан ёритишга ёрдам беради.

Хулосада тадбиқ этилган материаллар таҳлилидан келиб чиқадиган асосий натижалар, назарий ва амалий умумлашмалар баён этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида хитой тилида, рус ва ўзбек тилларида бўлиб, луғатлар ва интернет ресурслардан ҳам кенг фойдаланилди.

I Боб. ХХР матбуот тилида кенг қўлланиладиган қолип қурилмаларнинг стилистик хусусиятлари

Ушбу бобда умулаштирувчи сўзли қурилмаларнинг, семантик жиҳатдан мавзуга урғу берувчи қурилмаларнинг стилистикаси, тузилиши, шу билан бирга, қолип қурилмаларнинг грамматик хусусиятлари кўриб чиқилди ва таҳлил этилди. Матбуот штапларининг семантикаси, ўзига хос хусусиятлари ва ишлатилиш ўрни батафсил ўрганилди. Ҳар бир қурилма ва умумлаштирувчи сўз мисоллар асосида ёритилди. Вэньян – қадимги хитой тили элементларининг замонавий матбуот матнларида қўлланилиш ўрни ўрганилди.

1§ Замонавий хитой тилида қолип қурилмаларнинг семантик хусусиятлари

Умуман олганда, стилистика уч қисмга ажралади: 1) тилнинг функционал услубларини ўрганувчи стилистика; 2) турли жанрларнинг семантик ва экспрессив-стилистик характерларини ҳамда оғзаки ва ёзма нутқ орасидаги фарқни текширувчи нутқ стилистикаси; 3) адабий йўналишлар, бадиий асар ҳамда ёзувчи услубини тадқиқ этувчи бадиий адабиёт стилистикаси. Матбуот матнларининг стилистик хусусиятлари деганда, авваламбор ушбу тил доирасида қўлланиладиган қурилмалар тушунилади. Чунки айнан қурилмалар ўз семантикаси, гапдаги ўрни ва вазифасига кўра матбуот тилининг ўзига хос хусусиятларини, таржима борасидаги хусусиятларини ёритишда ёрдам кўрсатади. Матбуот рўзномалари, матнларини таҳлил қилганимизда, қурилмалар таркибидаги сўзларнинг семантик маъноларини ўрганиб, таҳлил натижасида турли маънони ифодаловчи феъл сўз туркумидаги сўзларнинг нисбатан кўп ишлатилиши

кузатилмоқда. Қуйида биз энг кўп қўлланиладиган қурилмалар таркибини, семантик жиҳатларини стилистик хусусиятларидан келиб чиқиб таҳлил қилдик.

1.1. Умумлаштирувчи сўзли қурилмалар

Умумий сўзларнинг кенг қўлланилиши бу матбуот матнларининг энг асосий стилистик хусусиятларидан бири ҳисобланади. Хусусан, сиёсий матнларда қуйидаги от сўз туркумига тааллуқли сўзлар нисбатан кўп учрайди¹ :

1.问题 *wen ti*-савол, муаммо

认识我国社会主义所处的历史阶段是极端重要的问题²。

Ren zhi wo guo she hui zhu yi suo chu de li shi jie duan shi ji duan zhong yao de wen ti.

Бугунги кунда социализмнинг давлатимизда тутган тарихий босқичини англаб етиш бу ниҳоятда муҳим масала.

Умуман олганда, 问题 *wen ti* савол, муаммо, камчилик, иш, қийинчилик каби маъноларга эга. Айнан ушбу гапда “муаммо” маъносини англамоқда. Гап бошида келган 认识 *ren shi* англаб етмоқ сўзи кесим, 社会主义 *she hui zhu yi* социализм сўз бирикмаси эга, 极端重要 *ji duan zhong yao* ниҳоятда муҳим-аниқловчи.

控制人口增长问题在农村尤为重要。

Kong zhi ren kou zeng chang wen ti zai nong cun you wei zhong yao.

Аҳоли сонининг ўсиш муаммоси айниқса қишлоқ ҳудудларида мавжуд.

国有经济的不景气状态，是由三个层面的问题造成的。

¹ Никитина Т.Н. Грамматика китайского публицистического текста.: “Санкт-Петербург”, 2007.-56 стр.

² 人民日报 *zhong guo ren min ri bao*. 2009 年 10 月 8 号。10 页。

Guo you jing ji de bu jing qi zhuan tai, shi you san ge ceng mian de wen ti zao cheng de.

Давлат иқтисодиётидаги инқирозли вазият уч қатламли муаммо томонидан юзага келади.

2. 现象 *xian xiang*- ҳодиса, феномен

目前出现的市场全部销售疲软，并不是现在突然出现的现象。

Mi qian chu xian de shi chang quan bu xiao shou pi ruan, bing bu shi xian zai tu ran chu xian de xian xiang.

Ҳозирги вақтда бозор тижоратининг қисман қисқариши, бу айни пайтда пайдо бўлган ҳодиса эмас.

目前 *mi qian* Ҳозирги вақтда- ҳол, 出现 *chu xian* пайдо бўлмоқ- кесим, 市场全部销售 *shi chang quan bu xiao*- эга, 疲软 *pi ruan* қисқармоқ- кесим, 现在 *xian zai* айни пайтда – ҳол, 突然 *tu ran* тўсатдан - ҳол, 出现的现象 *chu xian de xian xiang* пайдо бўлган ҳодиса- кесим.

Умуман олганда, 现象 *xian xiang* сўзи алоҳида келса, эга вазифасини бажаради. Аммо юқорида кўрсатиб ўтилган гапда, кесим вазифасини бажармоқда.

在知识分子的内部也出现了分化瓦解和分层现象。

Zai zhi shi fen zi de nei bu ye chu xian le fen hua wa lie he fen ceng xian xiang.

Зиёлилар қатламида ҳам бўлиниш ҳолатлари мавжуд.

3. 工作 *gong zuo*- иш

在充分发挥我们自己的科技人员的的作用的同时，还积极开展国际人才交流的工作。

Zai chong fen fa hui wo men zi ji de ke ji ren yuan de zuo yong de tong shi, hai ji ji kai zhang guo ji ren cai jiao liu de gong zuo.

Ўзимизнинг кадрларимизни такомиллаштириши билан бир қаторда чет эл мутахассислари билан кадрлар алмашинуви ишини актив ҳолда юритмоқ лозим.

工作 *gong zuo* сўзи ҳам феъл ҳам от бўлиб келиши мумкин. Айнан ушбу гапда *иш*, яъни от сўз туркуми бўлиб келмоқда. Ушбу гапни таҳлил қиладиган бўлсак, 在充分 *zai chong fen* бир қаторда -ҳол, 发挥 *fa hui*- кесим, 我们自己的科技人员的作用 *wo men zi ji de ke ji ren yuan de zuo yong* ўзимизнинг кадрларимиз -тўлдирувчи, 积极 *ji ji* актив -ҳол, 开展 *kai zhang*- кесим, 国际人才交流 *guo ji ren cai jiao liu* чет эл мутахассислари билан кадрлар алмашинуви – тўлдирувчи, 工作 *gong zuo* *иш* -эга. 工作 *gong zuo* *иш* сўзидан олдин барча сўзлар йиғиндиси таъриф ўрнида қўлланилган, шу сабабли бу сўз гап охирида эга вазифасида қўлланилган.

4. 事业 *shi ye* - *иш*

我们依靠全国人民的支持，已经为工业化事业积累了必要的资金³。

Wo men yi kao quan guo ren min de zhi chi, yi jing wei gong ye hua shi ye ji lei le bi yao de zi jin.

Мамлакатимиз ҳалқига таяниб, биз ишлаб чиқариш (ишлари) учун керакли маблағларни йиғдик.

Ушбу сўз хитой тилидаги матбуот матнларида ниҳоятда кенг қўлланилади. 我们 *wo men* биз -эга, 依靠 *yi kao* таянмоқ-кесим, 全国人民的支持 *quan guo ren min de zhi chi* мамлакат ҳалқига таянмоқ - аниқловчи, 必要的资金 *bi yao de zi jin* керакли маблағ -тўлдирувчи, 为工业化 *wei gong ye hua* ишлаб

³ 今日中国 *jin ri zhong guo*. 2009 年 9 月 25 号. 15 页.

чиқариш ишлари учун - аниқловчи, 积累了 *ji lei le* йиғмоқ-кесим, 事业 *shi ye* иш- эга.

5. 向 *xiang* - йўналиш

在向市场经济转换过程中。。。

Zai xiang shi chang jing ji zhuan huan guo cheng zhong...

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида...

向 *xiang* иероглифининг маънолари бир қанча бўлиб, улар қуйидагилар: қарама-қарши, йўналиш, -га йўналиш келишиги.

Ушбу гапдаги маъноси айнан (-га) йўналиш келишигидир.

市场 *shi chang* бозор –эга, 经济 *jing ji* иқтисодиёт -аниқловчи, 转换 *zhuan huan* ўтмоқ -кесим, 过程中 *guo cheng zhong* жараёнида-аниқловчи.

在..... 中 *zai... zhong* қурилмаси (-да) ўрин-пайт келишигини англатади.

6. 任务 *ren wu*- масала, вазифа

这个任务已经基本实现了。

Zhe ge ren wu yi jing ji ben shi xian le.

Ушбу масала деярли ечилди.

任务 *ren wu* масала – эга, 实现 *shi xian* амалга оширмоқ, ечмоқ- кесим, 已经 *yi jing* аллақачон-ҳол, 基本 *ji ben* деярли- ҳол.

我们已经在 知道思想上完成了 «拔乱反正» 的 艰巨任务。

Wo men yi jing zai zhi dao si xiang shang wan cheng le “ba luan fan zheng” de jian ju ren wu.

Биз бошқарув зоясининг мураккаб ва буюк муаммоси, яъни

“талон тароажликни йўқ қилиш ва тенг ҳуқуқликни барбод этиш” ни ҳал қилдик.

我们 *wo men* биз- эга, 已经 *yi jing* аллақачон -хол, 任务 *ren wu* муаммо -эга, 艰巨 *jian ju* буюк- аниқловчи, 完成 *wan cheng* тугатмоқ- кесим, «拔乱反正» *ba luan fan zheng* талон тарождликни йўқ қилиши ва тенг ҳуқуқликни барбод этиши- тўлдирувчи.

7. 方法 *fang fa*- усул

解决别的方面的问题，基本上采取这种“抓住中心环节以带动其他”的方法。

Jie jue bie de fang mian de wen ti, ji ben shang cai qu zhe zhong “zhua zhu zhong xin huan jie yi dai dong qi ta” de fang fa.

Бошқа соҳалардаги масалаларни ҳал қилиб, биз асосан “ бош занжирни ушлаб, қолган занжирларни тортиши ” усулини танладик.

解决 *jie jue* ҳал қилмоқ-кесим, 别的方面的问题 *bie de fang mian de wen ti* бошқа соҳалардаги масалалар- тўлдирувчи, 基本上 *ji ben shang* асосан- хол, 采取 *cai qu* танламоқ-кесим, 方法 *fang fa* усул- эга.

8. 东西 *dong xi*- предмет

文化人要树立“传世意”拿出自己最好的东西。

Wen hua ren yao shu li “chuan shi yi” na chu zi ji zui hao de dong xi.

Маданиятли инсон “ авлоддан авлодга ўтган гоюлар ” ичидан ўзи учун энг яхши қирраларини (предметни) очиши лозим.

文化人 *wen hua ren* маданиятли инсон- эга, 要树立 *yao shu li* ўрнатиши лозим- кесим, 传世意 *chuan shi yi* авлоддан авлодга ўтган гоюлар- тўлдирувчи, 拿出 *na chu* олмоқ, танламоқ- кесим, 自己 *zi ji* ўзининг- аниқловчи, 最好的东西 *zui hao de dong xi* энг яхши нарса- тўлдирувчи.

9. 条件 *tiao jian*- шароит

银行副行长表示，有条件支持保障房建设。

Yin hang fu hang zhang biao shi, you tiao jian zhi chi bao zhang fang jian she.

Банк Директори ўринбосарининг таъкидлашича, қурилиш кафолати шароитлари мавжуд.

银行副行长 yin hang fu hang директор ўринбосари- эга, 表示 biao shi таъкидламоқ- кесим, 有 you мавжуд- кесим, 条件 tiao jian шароит- эга, 支持 zhi chi қўллаб-қувватламоқ- тўлдирувчи, 保障 bao zhang кафолат- тўлдирувчи, 房建设 fang jian she қурилиш-аниқловчи.

10. *情况 qing kuang- вазият*

我不认为吉尔吉斯的情况一定会在其它国家蔓延开来.

Wo bu ren wei ji er ji si de qing kuang yi ding hui zai qi ta guo jia man ting kai lai.

Менинг фикримча, Қирғизстондаги вазият бошқа мамлакатларга тарқалмайди.

我 wo мен- эга, 认为 ren wei ўйламоқ- кесим, 吉尔吉斯 ji er ji si Қирғизстон- хол, 情况 qing kuang вазият- эга, 其它国家 qi ta guo jia бошқа мамлакатлар- хол, 开来 kai lai тарқалмоқ- кесим.

Кўриниб турибдики, юқорида санаб ўтилган сўзларнинг таржимасига аҳамият бермаслик иборанинг умумий маъносига таъсир ўтказиши тайин. Шу сабабли, бундай сўзларни алоҳида таҳлил қилиш долзарбдир.

1.1.1.Тўлдирувчи вазифасидаги “бажармоқ”, “амалга оширмоқ” маъносига эга ярим ёрдамчи феъл ва тўлиқ феълдан ясалган отли қурилмалар

Ушбу қурилманинг феълли қурилмаси ўрнида қўлланилиши бу матбуот матнининг иккинчи ўзига хос хусусиятидир. (-га) таъсир этмоқ ўрнида 产生 chan sheng。。。影响 ying xiang таъсир кўрсатмоқ. Қайта қурилиш

ўрнида қайта қурилиш ишларини амалга оширмоқ 进行 *jìn xíng*。改革 *gǎi ge* каби сўз бирикмаларни ишлатсак бўлади ⁴.

Кўпинча ушбу турдаги қурилмаларда қуйидаги феъллар иштирок этади:

1. 进行 *jìn xíng*, 实行 *shí xíng*, 实现 *shí xiàn*- амалга оширмоқ

Ушбу феъллар синонимик феъллар бўлиб, уларнинг қўлланилиши деярли фарқланмайди.

必须对国有企业经济进行战，兴改组.

Bì xū duì guó yǒu qì yè jīng jì jìn xíng zhàn, xìng gǎi zǔ.

Мамлакат иқтисодиёти бўйича қайта қурилиш ишларини амалга ошириш керак.

对企业行为进行监督管理.

Duì qì yè xíng wéi jìn xíng jiān dū guǎn lǐ.

Корхоналар устидан назорат ўрнатиш ва уларни бошқариш.

进行监督管理 *jìn xíng jiān dū guǎn lǐ* назорат ўрнатиш ва бошқариш – кесим,

对企业行 *duì qì yè xíng* корхоналар устидан -ҳол.

唯有进行产权改革才能使政府的两种职能分开。

Wéi yǒu jìn xíng chǎn quán gǎi ge cái néng shǐ zhèng fǔ de liǎng zhǒng zhí néng fēn kāi.

Фақатгина шахсий мулкни ислоҳот қилгандан сўнггина, давлатнинг иккита ҳар хил вазифасини ажратиш мумкин.

2. 予以 *yǔ yǐ* - бермоқ

对犯罪行为予以打击和制裁.

Duì fàn zuì xíng wéi yǔ yǐ dǎ jī hé zhì cái.

⁴ Никитина Т.Н. Грамматика китайского публицистического текста.: “Санкт-Петербург”, 2007.- 98стр.

Кўпоровчилик ҳаракатига қарши чиқмоқ ва уни қўлда ушламоқ.

对犯罪行为 *dui fan zui xing wei* кўпоровчилик ҳаракатига- аниқловчи, 予以 *yu yi* бермоқ –кесим, 打击 *da ji*-қарши чиқмоқ -кесим, 制裁 *zhi cai* қўлда ушламоқ- кесим.

Юқорида кўрсатиб ўтилган гапда, 予以 *yu yi* бермоқ маъноси мавжуд бўлгани билан, ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида *бермоқ* сўзи тушиб қолади.

3. 作, 搞 *zuo, gao* - қилмоқ, бажармоқ

有人说产权界定是搞私有化.

You ren shuo chan quan jie ding shi gao si you hua.

Баъзи бир одамларнинг айтишича, хусусийликни чегаралаш приватизациялаштириш демакдир.

搞 *gao* бажармоқ- кесим, 有人 *you ren* баъзи одамлар-эга, 说 *shuo* айтмоқ-кесим, 产权 *chan quan* хусусий- тўлдирувчи, 界定 *jie ding* чегаралаш- кесим, 私有化 *si you hua* приватизация-эга.

Ушбу мисолда ҳам ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида *搞 gao* бажармоқ сўзи тушиб қолган. Ўзбек тилининг стилистикаси буни талаб этмоқда.

1.1.2 有 *you*, 得到 *de dao*, 取得 *qi de* “қўлга киритмоқ” ярим ёрдамчи ва тўлиқ феълдан ясалган отли қурилма

Агар ном ўтимли феъллардан ташкил топган бўлса, ярим ёрдамчи феъл иштирокидаги қурилма муқобил пассив қурилма ҳисобланади: 得到。。解决-қарорни қабул қилиш. Агар ном ҳаракат феълдан ташкил топган бўлса, ярим ёрдамчи феъл иштирокидаги қурилма, кесим вазифасини бажарувчи ҳаракат феъл иштирок этган қурилмага муқобил ҳисобланади: 得到。。。提

高 - лавозим бўйича кўтарилмоқ. Агар ном ўтимли феъл ҳамда ҳаракат феълидан ташкил топган бўлса, икки маънони англантиши мумкин⁵. Масалан:

1.绝大多数人民的实际收入有了增多.

Jue da duo shu ren min de shi ji shou ru you le zeng duo.

Аҳоли даромадининг катта қисми ошди.

绝大多数 *jue da duo shu* катта қисми-аниқловчи, 人民 *ren min* аҳоли- эга, 实际 *shi ji* реал- аниқловчи, 收入 *shou ru* даромад- эга, 有 *you* эга бўлмоқ- кесим, 增多 *zeng duo* ошмоқ-кесим.

2. 改革开放以来, 国有经济和集体经济都有很大发展。

Gai ge kai fang yi lai, guo you jing ji he ji ti jing ji dou you hen da fa zhang.

Ислоҳот бошлангидан сўнг мамлакат иқтисодиёти ва коллектив иқтисодиётда катта зафарларга эришилди.

改革开放 *gai ge kai fang* ислоҳот- эга, 有 *you* эга бўлмоқ- кесим, 经济 *jing ji* иқтисодиёт- эга, 集体经济 *ji ti jing ji* коллектив иқтисодиёт- эга, 很大 *hen da* жуда катта- ҳол, 发展 *fa zhang* ривожланмоқ- кесим.

Кўриб турганингиздек, ҳар иккала гапда ҳам *有 you* сўзи ҳар хил вазифани бажармоқда. Агар иккинчи гапда *有 you* эга бўлмоқ маъносини озмунча англатса ҳам, биринчи гапда *有 you* эга бўлмоқ маъносини бутунлай юқотади.

1.1.3. Гапнинг актуал бўлишининг ифодалаш услублари

Гапнинг актуал бўлиши ифода этилганда унинг синтаксис тузилмаси ўзгаради, бунинг натижасида маълумотнинг мантикий йўналиши ўзгаради. Аммо гапнинг бошланғич семантик унсурлари сақланиб қолади.

⁵ Никитина Т.Н. Грамматика китайского публицистического текста.: “Санкт-Петербург”, 2007.- 120стр.

Матбуот матнида гапнинг актуал бўлинишини етказиб беришни турли грамматик услублари қўлланилади ⁶.

1.1.3.а.Гап бўлақларининг “мавзу”га айланиши

Гап бўлақларининг “мавзу”га айланиш усуллардан бири -бу гап бўлақларидан бирини ажратиб, уни мавзуга кўчириш. Кўпинча ҳол ва эга вазифасида келади.

Семантик жиҳатдан мавзуга урғу берувчи қурилмалар:

1. 谈起 *ti qi* - (- га) гап келганда.

谈起哥伦比亚，人们很容易想起，这是个走私贩毒猖獗社会冲突频发的国家。

Tan qi ge lun bi ya, ren min hen rong yi xiang qi, zhe shi ge zou si bei du chang ta she hui chong tu pin fa de guo jia.

Колумбия тўғрисида гап борганда, одамлар кўз ўнгига доимо социал муаммоли, наркотик моддалари ва контрабанда ривожланган давлат келади.

2. 拿 *na*。来说 *lai shuo*- ёки.

拿一个社会的兴衰来说，其根本就在企业。

Yi ge she hui de xing shuai, qi gen ben jiu zai qi ye.

Маълум жамият ривожланишининг ёки сусайишининг илдизи айнан ишлаб чиқаришидадир.

2. 至于 *zhi yu*，关于 *guan yu*，对 *dui* - ҳақида гапирганда.

Ушбу сўзлар маъно жиҳатдан синонимик бўлиб, қўлланилишида ҳеч қандай фарқ мавжуд эмас.

至于小型国有企业，则应当逐步改为混和所有制企业或非国有企业。

⁶ Щицко. Теория и практика перевода текстов на китайском языке.- М.:2000.- 78-90стр.

Zhi yu xiao xing guo you qi ye, z eying dang zhu bu gai wei hun he suo you zhi qi ye huo fei guo you qi ye.

Майда давлат корхоналарига гап келганда, уларни аста секинлик билан хусусий ёки нодавлат корхоналарига айлантириш лозим.

对那些错误做法，国家就要干预，要令行禁止。

Dui na xie cuo wu zuo fa, guo jia jiu yao gan yu, yao ling xing jin zhi.

Хато усулларга гап келганда, улар ҳукумат томонидан ман этилиши лозим.

1.1.3.в. ”是 shi 。 。 的 de” қурилмаси

“是 shi 。 。 的 de” ва “的是 de shi” қурилмалари гапни аниқ икки қисмга ажратишади: мавзу ва рема. “是 shi 。 。 的 de” ремани кесимга айлантриб⁷:

А) феъл ёки сифат вазифасида келган кесим.

脑力劳动者进入市场的进步和速度并不是完全致的。

Nao li lao dong zhe jin ru shi chang de jin bu he su du bing bu shi wan quan zhi de.

Ақлий фаолият ишчиларининг бозор иқтисодиётига киришининг тезлиги ва йўналиши бир хил эмас.

这与改革开放前的时代是根本不同的。

Zhe yu gai ge kai fang qian de shi dai shi gen ben bu tong de.

Бу ислохотлар ва очиқлик сиёсатидан олдин тубдан фарқ қилади.

Б) рема”是 shi 。 。 的 de” қурилмаси орқали шаклланиб, ўз ичига кесим билан тўлдирувчини қамраб олиши мумкин:

一方面从理性上和理论上他们是支持改革的。

Yi fang mian cong li xing shang he li lun shang ta men shi zhi chi gai ge le.

⁷ Щицко. Теория и практика перевода текстов на китайском языке.- М.:2000.- 155-170стр.

Бир томондан олиб қарасак, ақлий меҳнат ишчилари психологик ва назарий жиҳатдан реформаларни қўллаб- қувватлашади.

但是让企业走向要素市场仍然是不够的。

Dan shi rang qi ye zou xiang yao suo shi chang reng ran shi bu gou de.

Аммо корхоналарни асосий омиллар бозорига йўналтириш етарли эмас.

它的作用是不可替代的。

Ta de zuo yong bu ke ti dai de.

Унинг ўрни босилмасдир.

尽管任务还很困难，但还是可以做到的。

Jin guan ren wu hai hen kun nan, dan hai shi ke yi zuo dao de.

Ушбу муаммо мушукул бўлишига қарамасдан, аммо уни амалга ошириш мумкин.

资料主要是由国家来配置的。

Zi liao zhu yao shi you guo jia lai pei zhi de.

Табиий ресурслар асосан ҳукумат томонидан тақсимланади.

这是中国政府一贯反对的。

Zhe shi zhong guo zheng fu yi guan fan dui de.

Бунни хитой ҳукумати рад этмоқда.

1.1.3.c. “的 de。 。 。 是 shi” қурилмасида “мавзу”ни ажратиш

“的 de。 。 。 是 shi” қурилмаси мавзунини белгилайди ва шакллантиради.

А) Мавзуда эга ва кесим бошланғич қурилмада, шу билан бирга бу ерда кесим турли семантик синфларнинг феъли бўлиб хизмат қилиши мумкин.

更早开始竞争的是等 学校招生⁸.

⁸ 北京青年报 bei jing qing nian bao. 2009 年 12 月 23 号. 3 页。

Gen zao kai shi jing zheng de shi deng xue xiao zhao sheng.

Рақобатчиликнинг дастлабки куртаклари- бу олийгоҳларга талабаларнинг киришидан боиланади.

但它们靠的行政手段。

Dan tamen kao de xing zheng shou duan.

Бироқ у административ усулларга таянади.

Б) Мавзуда фақат битта кесим иштирок этади.

特别难能可贵的是他主张劳动者要有一定的自由。

Te bie nan neng ke gui de shi ta zhu zhang lao dong zhe yao you yi ding de zi you.

Ишчиларнинг эркинликлари тўғрисида гапириб ўтиш айниқса диққатга сазовордир.

В) Кесим ва тўлдирувчининг мавзуда бирга келиши.

居于指导地位的共产主义的思想。

Ju yu zhi dao di wei de gong chan zhu yi de si xiang.

是 *shi* ўрнига **有** *you* “эга бўлмоқ” кўшимчаси кўшилиб, янги қурилмани шакллантиради.

而能实现这一点的只有竞争.

Er neng shi xian zhe yi dian de zhi you jing zheng.

Аммо бунга фақатгина рақобатчилик амалга ошириши мумкин.

1.1.4. Ҳоҳиш- истакни билдирувчи қурилма

不如 *bu ru* бирикмаси икки гапни боғлаб, иккинчи гапда ҳоҳиш-истак маъносини кўрсатади.

实际上，我们很多地方不如资本主义。

Shi ji shang, wo men hen duo di fang bu ru zi ben zhu yi.

Аслида, кўп ҳолларда биз капитализмга йўл берамиз.

Агар 不如 *bu ru* қурилмаси эга ва кесим орасида турса, унда маслаҳат маъноси келиб чиқади.

既然如此，作家们不如写些安全的作品。

Ji ran ru ci, zuo jiaten bur u xie xie an quan de zuo pin.

Бу ҳолда, ёзувчиларга хавфсизроқ адабиётлар ёзиш маъқулроқдир.

Умумлаштирувчи отларни кенг қўлланилиши матбуот матнининг асосий стилистик хусусиятлардан биридир ва улар турли вазифаларини бажариши мумкин.

Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, қолипчи қурилмаларнинг семантик хусусиятларини умумлаштирувчи сўзчи қурилмалар, 有 *you*, 取得 *qu de*, 得到 *de dao* иштирокидаги қурилмалар; хоҳиш- истак маъносини акс эттирувчи 不如 *bu ru* каби бирикмалар изоҳлаб беради.

Матбуот матнда гапнинг актуал бўлинишини етказиб беришда турли грамматик қурилмалар қўлланилади. Буларга 拿。。。来说 *ná。。。 lái shuō*; 对于。。。来说 *duì yú。。。 lái shuō*; 是。。。的 *shì。。。 de* ажратиш қурилмаси; 的是 *de shì* қурилмаси; 的。。。有 *de。。。 yǒu* қурилмаси.

1.2. Қолипчи қурилмаларнинг грамматик хусусиятлари

1.2.1. Пассив қурилма

Биринчи қурилмада 为 *wei* ёрдамчи сўзи эгадан олдин туриб, иш-харакат субъектини кўрсатади. 所 *suo* эса феълдан олдин туради⁹:

⁹ 余东.论汉语政论文的文采及其英译,“北京”,2009-34页。

然而也应看到，人权作为口号以为各个阶级所使用。

Ran er ye ying kan dao, renquan zuo wei kou hao yi wei ge ge jie ji suo shi yong.

Бироқ яна шуни инобатга олиш керакки, одам ҳуқуқлари шиор сифатида ҳар қандай синф вакиллари томонидан ишлатилиши керак.

Рўзнома матнларида бундан ҳам қадимийроқ пассив қурилмалар учрайди. У классик тилдан олинган бўлиб, эгадан олдин 于 *yu* қўшимчаси қўлланилади.

Баъзи ҳолларда феълдан олдин 见 *jian* ёрдамчи сўзи қўлланилади:

平均每年增产粮的 52, 7% 是用于新增加的人口。

Ping jun mei nian zeng chan liang de 52,7% shi yong yu xin zeng jia de ren kou.

52,7% ўртача йиллик маҳсулотлар ўсаётган аҳоли томонидан истеъмол қилинмоқда.

我们实行对外开放的政策，是为了把国外的先进技术，经营管理知识以及能够为我们所用的资金引进来。

Women shi xing dui wai kai fang de zheng ce, shi wei le ba guo wai de xian jin ji shu, jing ying guan li zhi shi yi ji neng gou wei women suo yong de zi jin yin jin lai.

Ташқи дунёга очиқлик сиёсатимизнинг мақсади шуки, бошқа мамлакатлардан янги техника, хўжалик ишларини бошқариши билимларини жалб этишидир.

1.2.2. Иккита инкор қўшимчаси иштирок этган қурилма

Умуман олганда, иккита инкор дарак маъносини беради:

1. 当然经济非改革不可。

Dang ran jing ji fei gai ge bu ke.

Албатта иқтисод ислоҳотларсиз бўла олмайди.

2. 将来有了拖拉机就非大不可。

Jiang lai you le tuo la ji jiu fei da bu ke.

Келажакда тракторларга эга бўлганимизда, хўжаликни кучайтириши керак бўлади.

1.2.3. “就 *jiu*” қўшимчаси, “如何 *ru he*” ва “何在 *he zai*” сўз бирикмалари

A) 就 *jiu* қўшимчаси замонавий 对 *dui*, 对于 *dui yu*, 关于 *guan yu* каби қўшимчаларнинг синоними ҳисобланади ¹⁰.

就家庭和个人的物质消费来看。。。

Jiu jia ting he ge ren de wu zhi xiao fei lai kan...

Агар оиланинг иқтисодий ҳаражатларига ва алоҳида шахс ҳаражатларига назар ташласак...

B) 如何 *ru he* сўз бирикмаси илк 如何 *ru he* сўз бирикмаси ўрнини босди.

对于国有经济如何进行改组存在两种不同的思路。

Dui yu guo you jing ji ru he jin xing gai zu cun zai liang zhong bu tong de si lu.

Давлат иқтисодиётини ислоҳотлаштириши хусусида иккита ҳар хил фикр мавжуд.

如何实现自己养活自己的目标？

Ru he shi xian zi j yang huo zi j de mu biao?

Озиқ-овқат маҳсулотларнинг ўзини-ўзи таъминлаш мақсадини қандай амалга оширмақ лозим？

C) 何在 *he zai* қаерда жойлашган?, нимадан ташкил топган? каби маъноларга эга бўлиб, гапда кесим вазифасини бажаради.

这种平等所规模建立的基础何在？

Zhe zhong ping deng suo gui mo jian li de ji chu he zai?

¹⁰余东.论汉语政论文的文采及其英译,“北京”,2009.-34

页。

Ушбу ижтимоий тенглик асосида қурилган фундамент нимадан ташиқил топган?

那么，“人平等”的原则根源何在呢？

Na me, “ren bi ping deng” de yuan ze gen yuan he zai ne?

“Ҳамма тенг” зояси қаердан бошланади?

1.2.4. Тўлдирувчини бошқарадиган сифат қурилмаси

Ушбу гуруҳга мансуб икки турдаги қурилмалар мавжуд. Улардан бири қиёсий қурилмадир. Кесим 于 уи қўшимчаси ёрдамида тўлдирувчини бошқаради¹¹.

1. 他对中国革命的功绩远远大于他的过失。

Ta dui zhong guo ge ming de gong ze yuan yuan day u ta de guo she.

Унинг (Мао Цзедун) Хитой инқилоби олдидаги ютуқлари хатоларига нисбатан кўпроқ.

2. 人民生活改善的速度不能高于生产发展和劳动生产率提高的速度。

Ren min sheng huo gai shang de su du bu neng gao yu sheng chan fa zhan he lao dong sheng chan lu ti gao de su du.

Халқнинг турмуш даражаси кўтарилиши, меҳнат ишлаб чиқаришининг ўсиши ва ишлаб чиқариш ривожланиши даражасидан юқори бўлиши мумкин эмас.

Иккинчи қурилма нисбатан камроқ учраб, унда тўлдирувчи белгининг сиртини кўрсатади.

3. 这些有利于世界和平与稳定。

Zhe xie you li yu shi jie he ping yu wen ding.

Буларнинг барчаси бутун дунё тинчлиги ва барқарорлиги учун фойдалидир.

¹¹ 王德库。“当代政论文体语言的修辞特色探析”，北京，2004。12页。

Қисқача қилиб айтганда, қолипли қурилмаларнинг грамматик хусусиятларини етказишда пассив қурилмалардан, 就 *jiu* ва 于 *yu* қўшимчаларидан, 如何 *ru he* ва 何在 *he zai* сўз бирикмаларидан фойдаланилади.

1.3. Матбуот штамплари

Кўп ҳолларда ҳар хил образли белгилардан ташкил топган бўлади. Аммо узоқ муддат давомида ишлатилиши натижасида ўз шаклини йўқотиб, синтактик тузилиши унинг маъносига тўғри келмай қолади. Штамп бир бутун сифатида қаралиб, уни ташкил этувчи элементлар эса назардан четда қолиб, алоҳида олиб қаралмайди.

Энг кенг тарқалган штамплар намуналарини кўриб чиқсак.

1. 起 *qi*。 。 。 作用 *zuo yong*, 发生 *fa sheng*。 。 作用 *zuo yong*, 发挥 *fa hui*。 。 作用 *zuo yong*.

Вазифа бажармоқ.

中国在国际事物中起着越来越重大的作用¹² .

Zhong guo zai guo ji shi wu zhong qi zhe yue lai yue zhong da de zuo yong.

Хитой халқаро майдондаги ишларда жуда катта роль ўйнамоқда.

Ушбу гапда 起 *qi*。 。 。 作用 *zuo yong* қурилмаси қўлланилиб, ушбу қурилма ичидаги 越来越重大的 сўз бирикмаси иш-ҳаракат қай ҳолатда бажарилганини кўрсатмоқда. Яъни ҳол вазифасида келмоқда.

2. 对 *dui*。 。 。 有意义 *you yi yi*- маъно касб этмоқ.

这些对我国社会主义工业代事业是有极重要的意义。

¹² 中国新闻周刊 *zhong guo xin wen kan*. 2009 年 11 月 9 号. 5 页。

Zhe xie dui wo guo she hui zhu yi gong ye dai shi ye shi you ji zhong yao de yi yi.

Буларнинг ҳаммаси мамлакатни социалистик саноатлаштириши ишларида жуда катта маъно касб этади.

对 *dui* қаратгич келишиги вазифасини бажармоқда, 有 *you* ва 意义 *yi yi* орасида жойлашган сўз аниқловчи бўлиб келмоқда.

3. 对 (为) *dui(wei)*。 。 。 作出 *zuo chu*。 。 。 贡献 *gong xian* - (- *ga*) ҳисса қўймоқ.

这对发展中国人民和各国人民之间的友谊一定会作出新的贡献.

Zhe dui fa zhang zhong guo ren min he ge guo ren min zhi jian de you yi yi ding hui zuo chu xin de gong xian.

Бу албатта Хитой ва бошқа мамлакат халқлари дўстлигининг ривожланишига ҳисса қўшади.

对 *dui* қаратгич келишиги вазифасини бажариб келмоқда, 作出 *zuo chu*。 。 。 贡献 *gong xian* сўз бирикмасида аниқловчи ишлатилмоқда.

4. 为 *wei*。 。 。 奋斗 *fen dou*, 为 *wei*。 。 进行斗争 *jin xing dou zheng*- (-*ga*) қарши курашмоқ.

要为夺取新的更大胜利而努力奋斗¹³.

Yao wei duo qu xin de geng da sheng li er nu li fen dou.

Янада катта ва янги ютуқлар учун бор куч билан интилмоқ лозим.

5. 为 *wei*。 。 。 奠定 *dian ding*。 。 基础 *ji chu*- учун замин яратмоқ.

那次代表大会为新民主主义革命在全国的胜利奠定了基础.

Na ci dai biao da hui wei xin min zhu yi ge ming zai quan guo de sheng li dian ding le ji chu.

¹³ 中国人民日报 *zhong guo ren min ri bao*. 2009 年 10 月 8 号。10 页。

Ушбу мажлис халқ демократик революциясининг галабаси учун замин яратади.

Агар ушбу қурилмани бирма-бир таржима қиладиган бўлсак, унда 为 *wei* айнан учун, 奠定 *dian ding* яратмоқ, 基础 *ji chu* асос маъноларини англатади. 奠定 *dian ding*。基础 *ji chu* икки сўз орасида аниқловчи ишлатилиши мумкин.

6. 从 ... 得出教训 *cong...xi qu (de chu) jiao xun* -дан сабоқ олмоқ.

通过认真总结经验，他们从失败中得出了教训。

Tong guo ren zhen zong jie jing yan, ta men cong shi bei zhong de chu le jiao xun.

Жиддий малака ошириши туфайли улар ўз хатоларидан сабоқ олишди.

从 *cong* (-дан) келишиги бўлиб, 得出 *de chu* феъл вазифасини бажармоқда, яъни олмоқ маъносини ангталмоқда. 教训 *jiao xun* эса ўрганмоқ маъносини билдиради.

7. 摆脱 *bai tuo*。。。束缚 *shu fu* – тушунмовчиликлардан халос бўлмоқ.

清醒地认识我国人口问题的严峻现实，摆脱“重男轻女”“多子多福”等阵旧的 传统观念的束缚。

Qing xing de ren zhi wo guo ren kou wen ti de yan jun xian shi, bai tuo “zhong nan jing nu” “duo zi duo fu” deng chu jiu de chuan tong guan nian de shu fu.

Жамиятимизнинг жиддий муаммосини англаб, “эркакларга ҳурмат билан, аёлларга эса ҳурматсизлик билан қараиш” ва “кўп фарзандлик- катта бахт” каби миллий қарашларимиздан воз кечишимиз керак.

8. 走上 *zou shang*。。。道路 *dao lu* - ...ўйлига турмоқ.

现在 我国经济已经渡过最困难的时期，走上了稳步发展的健康轨道。

Xian zai wo guo jing ji yi jing du guo zui kun nan de shi qi, zou shang le wen bu fa zhang de jian kan gui dao.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз иқтисодиёти кўп машаққатлардан ўтиб, ривожланиши йўлига қадам қўйди.

我们的教育科学文化工作正走上正轨并得到一定的发展。

Women de jiao yu ke xue wen hua gongzuo zheng zou rang zou gui bing de dao yi ding de fa zhan.

Таълим, фан ва маданият соҳасидаги ишларимиз тўғри йўлга туриб, бир мунча ютуқларга эришилди.

9. 为 *wei* 。 。 开辟 *kai bi* 。 。 道路 *dao lu* – учун йўл очиб бермоқ.

这为我国工业迅速的恢复和发展开辟了道路。

Zhe wei wo guo gong ye xun su de hui fu he fa zhan kai bi le dao lu.

Бу тез суръатларда қайта тикланиши ва ривожланиши учун кенг йўл очиб берди.

10. 把 *ba* 。 。 放在优先地位 *fang zai you xian di wei*- биринчи ўринга қўймоқ.

要把发展农业生产放在优先地位。

Yao ba fa zhan nong ye sheng chan fang zai you xian di wei.

Биринчи ўринга қишлоқ хўжалик тараққиётини қўйиши керак.

11. 把 *ba* 。 。 提上日程 *ti shang ri cheng*- кун тартибига қўймоқ.

把政治体制改革提上全党日程的时机已经成熟。

Ba zheng zhi ti zhi gai ge ti shang quan dang ri cheng de shi ji yi jing cheng shu.

Партия кун тартибига сиёсий тизим ислоҳотини қўйиши вақти келди.

12. 站在 *zhan zai* 。 。 前头 *qian tou*- бошқармоқ.

应当站在这个运动的前头。

Ying dang zhan zai zhe ge yun dong de qian tou.

Бу оқимни бошқариб туриши керак.

13. 迈出 *mai chu* 。 。 步代 *bu dai*- катта қадамларни босмоқ.

实现了党和国家工作中心的转移，在改革开放的道路上**迈出了**坚实的**步代**。

Shi xian le dang he guo jia gong zuo zhong xin de zhuan yi, zai gai ge kai fang de dao lu shang mai chu le jian shi de bu dai.

Партия ва мамлакат ишларида ўзгартиришлар киритиб, биз ислохотлар йўлида катта қадамларни босиб бормоқдамиз.

14. 发扬 *fa yang* 。 。 精神 *jing shen*- туйғуни уйғатмоқ.

发扬爱国主义精神。

Fa yang ai guo zhu yi jing shen.

Ватанпарварлик туйғусини уйғатмоқ.

15. 面着挑战.

Mian lin zhe tiao zhan.

Муҳокама қилиш.

16. 竞争正向传统提出**挑战**。

Jing zheng zheng xiang chuan tong ti chu tiao zhan.

Рақобатчилик анъаналарига қарши чиқмоқ..

17. 开辟 *kai bi* 。 。 。 新阶段 *xin jie duan*- янгиликни кашф этмоқ.

我们**开辟**了社会主义建设**新阶段**。

Wo men kai bi le she hui zhu yi jian she xin jie duan.

Биз социализм қуришининг янги маъррасини кашф этдик.

18. 设置 *she zhi* 。 。 。 障碍 *zhang ai*- тўсиқларни яратмоқ.

19. 排除 *pai chu* 。 。 。 障碍 *zhang ai*- тўсиқларни бартараф этмоқ.

多轨制既不符合国际管理，也不符合我国法律规定的同股同利原则，给股市的发展设置了**障碍**。

Duo gui zhi ji bu fu he guo ji guan li, ye bu fu he wo guo fa lu gui ding de tong gu tong li yuan ze, gei gu shi de fa zhan she zhi le zhang ai.

Кўп функционал иқтисодиёт халқаро тизимга ва мамлакатимиз томонидан ўрнатилган бир хил акцияларга бир хил даромад принципига мос келмаганлиги туфайли, у акциялар бозори ривожланишига тўсиқлар яратмоқда.

Замонавий матбуот матнларида штамплар ўз образлигини йўқотиб, идиоматик ибора бўлиб қолган образли иборалардан ясалишига қарамасдан тез – тез қўлланилади.

2§ Венъян – қадимги хитой тилининг матбуот тилидаги ўрни

Хитой публицистика матнларида вэньян, яъни қадимги хитой тили элементлари кенг қўлланилган. Уларга- чэньюлар, вэньян грамматикаси асосида қурилган шиорлар, ҳамда синтактик қурилмалар киради.

2.1. Сўз бирикмалар ва чэньюлар

Қуйида энг кўп ишлатиладиган фразеологияларни кўриб чиқсак ¹⁴:

1. 以古非今 *yi gu fei jin* – ўтмишига қараб ҳозирги кунга баҳо бермоқ.
2. 损公利私 *sui gong li si* - ўз манфаати учун жамоага зарар келтирмоқ.
3. 争先恐后 *zheng xian kong hou* – орқада қолишдан қўрқиб олдинга интилмоқ.
4. 名符其实 *ming fu qi shi* – исми жисмига мос.
5. 自食其力 *zi shi qi li* – ўз меҳнати билан кун кечирмоқ.
6. 必经之路 *bi jing zhi lu* – босиб ўтиши шарт бўлган йўл.

¹⁴ Никитина Т.Н. Грамматика китайского публицистического текста.: “Санкт-Петербург”, 2007.- 98стр.

7. 水落石出 *shui luo shi chu* – ҳақиқатнинг рўёбга чиқиши.

8. 前事不忘，后事之师 *qian shi bu wang, hou shi zhi shi* – ўтмиш келажакнинг устози.

Ушбу бирикмалар кўпинча гапда кесим вазифасида келади.

2.2. Сиёсий шиорлар

Чэньюни сиёсий шиорларда тез-тез ишлатишади. Масалан,

1. 实事求是 *shi shi qiu shi* – ҳақиқатдан келиб чиқиш¹⁵.

2. 自力更生 *zi li gen sheng* – ўз кучига таянмоқ.

3. 拨乱反正 *ba luan fan zheng* – ўз хатоларини тузатмоқ.

4. 百花齐放，百家争鸣 *bai hua yi fang, bai jia zheng wu*- гуллар очилсин, юзта мактаб рақобатлашсин.

5. 各尽所能 *ge jin suo neng* – ҳар бир кишидан бир қобилият.

6. 古为今用 *gu wei jin yong* – ўтмиш бугунги кун учун хизматда.

7. 推陈出新 *tui zhen chu xin* – ўтмишдан янгиликни қидирмоқ.

8. 一国两制 *yi guo liang zhi* – бир мамлакат икки тизим.

Баъзи бир замонавий грамматик нормалар асосида қурилган шиорлар:

1. 翻两番 *fan liang fan* – иккилантирмоқ.

2. 三个代表 *san ge dai biao* – учта ваколатхона.

2.3. Матбуот матнлардаги вэньян қурилмалари

“以 *yi* 。 。 。 为 *wei*” қурилмаси

¹⁵ Никитина Т.Н. Грамматика китайского публицистического текста.: “Санкт-Петербург”, 2007.- 98стр.

Замонавий матнларда вэньян қурилмалари орасида 以 *yǐ* 。 。 。 为 *wei* энг кенг тарқалган ҳисобланади. Мумтоз хитой тилида 以 *yǐ* элементи зарур ва зарур бўлмаган тўлдирувчини қабул қилиши мумкин эди. Масалан, сабаб тўлдирувчисини 为 *wei* тўлдирувчи билан 以 *yǐ* ни бошқариб, боғловчи ёки бирон иш-ҳаракатни бажармоқ маъносидаги феъл вазифасини бажарган.

Замонавий матнда 以 *yǐ* 。 。 。 为 *wei* қурилмасидаги 以 *yǐ* доимо тўлдирувчини қабул қилади. 为 *wei* эса феъл бўлиб, бирон нарсани маълум восита орқали бажармоқ маъносини билдиради. Баъзи ҳолларда 为 *wei* бош кесим вазифасини бажаради ¹⁶:

要以计划经济为主，市场调节为辅。

Yao yi ji hua jing ji wei sheng, shi chang diao jie wei fu.

Режали иқтисодиётни асосий, бозор бошқарувини эса ёрдамчи омилга айлантириши керак.

为 *wei* феъли гапда иккинчи даражали кесим вазифасида ҳам келиши мумкин:

我们要以马克思主义为指导，努力建设精神文明。

Wo men yao yi ma ke si zhu yi wei zhi dao, nu li jian she jing shen wen ming.

Биз марксизмдан фойдаланиб, рухий маданиятни шакллантиришига ҳаракат қилишимиз керак.

Аммо кўп ҳолларда 以 *yǐ* 。 。 。 为 *wei* қурилмаси ном аниқловчиси вазифасида келади:

1. 以私人企业为主的社会。

Yi si ren qi ye wei zhu de she hui.

Шахсий ташиқлотларга йўналтирилган жамият.

¹⁶ Кондрашевский А.Ф., Румянцева М.В. Практический курс китайского языка.

М.: “Восток-Запад”, 2005.-80стр.

2. 以各尽所能为原则的社会.

Yi ge jin suo neng wei yuan zi de she hui.

